

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ШАРҚНИНГ УЛУҒ МУСАВВИРИ

Тошкент – 2005

0

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ШАРҚНИНГ УЛУҒ МУСАВВИРИ

*Камолиддин Беҳзод таваллудининг 550 йиллиги
муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2005

78.342

Ш 27

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

<i>Тузувчи</i>	<i>М.Матмурадова</i>
<i>Муҳаррир</i>	<i>Ҳ.Маматраимова</i>
<i>Масъул муҳаррир</i>	<i>О.Қиличбоев</i>
<i>Матн терувчи</i>	<i>З.Жалилова</i>

Шарқнинг улуғ мусаввири: Камоллиддин Беҳзод таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан: *Метод.-библиогр. қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмурадова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2005.- 42 б.*

КБК 78.342+85.143 (5)

Мовароуннаҳр ва Хуросонда XV асрдаги уйғониш даври вакилларида бири, ҳаётлигидаёқ «аср мўъжизаси», «ўз даврининг чўққиси» сифатларини олган, Алишер Навоийнинг шогирди, улуғ мусаввир ва миниатюрасоз Камоллиддин Беҳзод таваллудининг 550 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма алломанинг ҳаёти ва ижодини, меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишда кутубхона ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда кутубхоначилар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

© **Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2005**

МУҚАДДИМА

*Дилкаш, нафис тасвиринг айлади чеҳра кушод,
Дийдамдин бўлди аён дилимдан нақш мурод,
Мўйқаламинг нақшидан чунон бўлдим фараҳбахш,
Қолмади кўнглумда ғам, кўриб, беҳад бўлдим шод.*
Камолиддин Бехзод

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви жамият ҳаётида муҳим ўзгаришларни амалга ошириш имконини яратди. Бу ўзгаришлар мамлакатни янги йўлдан равон одимлаши, ривож топган мамлакатлар қаторида ўрин эгаллаши учун қаратилгандир. Жумладан, ўтмиш маданий меросимизни яратиб берган атоқли олимлар, донишмандлар, санъаткорлар, давлат арбоблари ҳаёти ва улар қолдирган маънавий меросни ўрганиш масаласига ҳозирда давлатимиз, Президентимиз жуда катта эътибор бермоқда.

Жумладан, буюк ўзбек рассоми Камолиддин Бехзоднинг ҳаёти ва ижодини, қолдирган меросининг қиммати ва аҳамияти, маданиятимиз тарихида тутган ўрнини ўрганиш, Шарқ миниатюра санъатида етакчи ва бетакрор мактаб яратган буюк мўйқалам соҳиби фаолиятини ўрганиш, ўзлигини қайта тиклаётган халқ учун ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳимроқ аҳамият касб этмоқда.

XIV – XV асрлар – ўзбек халқи тарихининг олтин саҳифаларидан биридир. Амир Темур салтанатида юзага келган Уйғониш даври, юксак даражадаги ижодий ва қулай тарихий муҳит туфайли Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод сингари кўплаб буюк олим, файласуф, шоир, рассом, санъаткорлар самарали ижод этдилар.

Шулар орасида Камолиддин Бехзод нафақат Туронзамин халқлари маданияти ва санъати, балки умумжаҳон цивилизацияси равнақиға улкан хисса қўшган рассом ҳамдир.

Ҳақиқатан ҳам Камолиддин Бехзод ўз даврининг буюк рассоми, «Монийи соний» унвонига сазовор бўлиб, аср нодири, рангтасвирда беназир йирик бетакрор рассомдир.

2005 йилда Камолиддин Бехзод таваллудига 550 йил тўлади. Ўзбек халқи бу санани нишонлайдилар, чунки унинг ижоди кўпчиликни мафтун этиб келган, унинг асарлари жаҳоннинг йирик давлатлари кутубхоналари ва музейларида сақланмоқда.

Республика кутубхоналарининг вазифаси китобхоналар диққатини Камолиддин Бехзод ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар адабиётлар тарғиботининг китоб тақдироти, илмий-амалий конференция, китобхоналар конференцияси, илмий-амалий семинар, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, учрашув кечаси, хотира соати, миниатюраларининг кўргазмаси, китоб кўргазмаси, у ҳақидаги нашрларнинг обзори сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун тарихчилар, адабиётшунослар, санъатшунослар, рассомлар, тасвирий ва амалий санъат ходимларини, ёзувчи ва шоирлар, журналист ҳамда тарих, расм ва адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, «Маҳалла», «Олтин мерос», «Нуроний», «Истеъдод», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, тарихчилар, адабиётшунослар, санъатшунослар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, рассомлар, ўлкашунос ва тарих музейлари ходимлари, рассомлар уюшмаси, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда оммавий тадбир-

ларни ташкил этишлари ва ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада кутубхоналарда мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг 550 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишга кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

**Камолиддин Беҳзоднинг таржимаи ҳоли
(1455 – 1537)**

*Қисқа бир вақт орасида
Беҳзод шу даражада моҳир
мусаввир бўлиб этишдики, ранг-
тасвир пайдо бўлгандан буён бу
соҳада санъат аҳли орасида унга
тенг келадиган йўқ эди.*

Қози Аҳмад

Ўзининг такрорланмас ижоди, гўзал санъати ва ажойиб маҳорати билан нафақат Шарқ халқлари, балки бутун дунё халқлари маданияти тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиёти учун баракали ҳисса қўшган забардас мусаввир Камолиддин Беҳзод Ҳиротда 1455 йилда хунарманд-қосиб оиласида дунёга келди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, унинг номи Беҳзод бўлиб, Ҳирот аҳолиси уни суноб, эркалаб Камолиддин, деб чақиришган экан. Алишер Навоий уни ўз мактубларидан бирида «устод Беҳзод» деб атайд.

Манбаларда ёзилишича, Беҳзод ота-онадан жуда эрта етим қолиб, таниқли Ҳирот хаттоти ва рассоми Мирак Наққош Хуросоний қўлида тарбия олади. Ўз даврининг машҳур рассоми, миниатюрасоз Мирак Наққош уйдаги нигористонидаги ижодий муҳит, гўзаллик ва нафосат ёш Беҳзодни ҳам санъат ва хунарга ҳавас қўйишга ундади, келажакдаги тақдири учун ижобий роль ўйнади. Беҳзод турли устозлардан тарбия олган. Манбаларда Беҳзод Пир

Сайид Аҳмад Табризий шогирди, деб ҳам кўрсатилган. Пир Сайид Аҳмад Табризий эса бухоролик устод Жаҳонгирнинг шогирди, бухоролик Жаҳонгир эса ўз навбатида устод Гунг шогирди бўлганлиги қайд этилган. Беҳзоднинг асарларидаги ўзига хос хусусиятларда устозларнинг таъсири каттадир.

У ёшлигида машҳур санъаткор Султон Али Машҳадий билан жуда яқин муносабатда бўлганини хаттотнинг бизгача етиб келган қуйидаги бадихасидан ҳам билса бўлади:

*Азиз, аржуманд фарзанд Беҳзод,
Гоҳ-гоҳида биз томонга келиб турарди.
У ўз суратлари туфайли мен учун умрдек азиз,
Умрдек вақт ўтса ҳам, ҳануз ёдга олмайди.*

XV асрдаги Ҳирот адабий, бадиий-илмий, санъат ва маданият оламида пайдо бўлган жуда кўп шахслар сингари Беҳзоднинг ҳам ижодий камолотида Алишер Навоий ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Навоийнинг шахсий кутубхонасида ўша даврнинг етук санъаткорлари Мирак Наққош, Ҳожи Муҳаммад каби мусаввирлар, Ҳофиз Муҳаммад, Зайниддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Нур каби хаттотлар ижод билан банд бўлганлар. Беҳзод шу кутубхонада, айниқса, хаттот Султон Али Машҳадий ва Ёрий Музаҳҳиб билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлган. Беҳзод ижодининг мавзу доираси, қахрамонлари шу ерда Навоий ва бошқа санъаткорлар ижоди таъсирида камол топган.

Беҳзод мусаввир сифатида танилгач, Султон Ҳусайн саройида хизматга чақирилган. 1487 йил Султон Ҳусайн фармони билан Беҳзод салтанат кутубхонасига раҳбар этиб тайинланган. Кутубхонадаги музаҳҳиб, халкор, заркўб, лаввоҳ, саҳҳоф, жадвалкаш, наққош ва қоғозрезу давогчилар бевосита Беҳзод раҳбарлигида ишлаганлар. Кейинчалик бу жой ўз даврининг бадиий академиясига айланади. Уни

мутахассислар «Нигор хонайи Бехзод» ёки «Бехзод академияси» деб атаганлар.

1507 – 1510 йилларда Бехзод Ҳиротни эгаллаган Муҳаммад Шайбонийхон хизматида бўлган.

Темурийларнинг юксак маданиятига ҳурмат ва эътибор билан қараган Шайбонийхон Бехзод санъати олдида лол қолиб, унинг ижодий ишларига деярли тўскинлик қилмайди, аксинча, мумкин қадар шароит яратиб берган.

Эрондаги Сафавийлар салтанати бу даврда анча кучайиб, ички ва сиёсий курашлар туфайли инқирозга юз тутган Хуросондаги Шайбонийлар салтанатига таҳдид солиб, 1510 йилда икки сулола қўшини ўртасида Марв ёнидаги Тоҳиробод деган жойдаги шиддатли жангда Муҳаммад Шайбонийхон ҳалок бўлади, унинг қўшини тор-мор этилади ва Ҳирот Сафавийлар қарамоғига ўтади.

Шоҳ Исмоил Сафавийлар қарамоғига ўтади.

Шоҳ Исмоил Сафавий 1512 йил Ҳиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни, ҳунармандларни ўзи билан бирга Табризга олиб кетади. Ҳиротдан Табризга олиб кетилган «жавоҳир»лар орасидаги энг нодири ва ноёби Камолиддин Бехзод эди. Чунки Бехзод бу пайтда бутун Шарқ элларида донғи кетган буюк санъаткор бўлиб, уни ўз қарамоғида сақлаган салтанат энг бой, қудратли ва обрў-эътиборли ҳисобланарди.

Камолиддин Бехзод санъатини юксак қадрлаган Исмоил Сафавий наққошга ижод қилиш учун Табризда барча шароитларни яратиб беради. Маълумки, Табризга Бехзод бир гуруҳ истеъдодли шогирдлари билан келган бўлиб, улар ҳам Табризда Бехзоднинг раҳнамолигида ўзларининг ижодий ишларини давом эттирадилар.

Манбаларда берилган маълумотларга кўра, 1520 йилда Шоҳ Исмоил ёш шахзода Таҳмосибга расм ўргатиш учун Бехзодни ўз салтанати пойтахти Табриз шаҳрига таклиф этади. 1522 йил эса махсус фармон билан рассомни

Ўз кутубхонасидаги китоба аҳли (котиб, наққош, музаҳҳиб, жавдалкаш, халкор, заркўб, дожувардшўй ва бошқалар)га мутасадди этиб тайинлайди.

Бехзод Табризда истиқомат қила туриб санъаткор сифатида ҳаётида яна бир бор жасорат кўрсатди. Гурбатда, ғоят руҳий азобларда, она шахридан олисда туриб яна бир нафис тасвирий санъат мактабини бунёд этади. Ҳиротдагидек бу ерда ҳам ўз атрофига истеъдодли рассом, наққош ва бошқа хунармандларни тўплади, уларга кунт билан раҳнамолик қилиб, ўзининг сеҳргар санъатининг сир-асрорларини ўргата бошлади. Табризда Султон Муҳаммад, Оқо Мирак, Мир Мансур Мусаввир, Мир Саид Али сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялади.

1524 йилда Табриз султони Шох Исмоил Сафавий вафот этади ва тахт ёш шахзода Таҳмосиб қўлига ўтади. Манбаларда берилган маълумотларга кўра, Бехзод Сафавийлар саройига жуда яқин, подшо салтанатидаги энг ишончли санъаткор бўлгани учун ҳам шахзода Таҳмосибга болалик пайтиданоқ миниатюрасозлик илмидан дарс бериб, уни ҳам ўзининг сеҳргар санъатининг сир-асроридан хабардор қилиб борган.

1537 йилда кексайиб қолган Бехзод Ҳиротда суюкли жияни ва шогирди Рустам Алининг ўлим тўшагида ётганлигидан хабардор бўлиб, уни кўрмоқ учун она шаҳри Ҳиротга отланади. Лекин у Рустам Али дийдорига етиша олмайди. Бехзод Ҳиротга етиб келгунча у оламдан ўтган бўлади. Бундай жудоликдан қаттиқ қайғурган, кекса мўйсафид Бехзоднинг ўзи ҳам оғир хасталаниб, 1537 йилда Ҳиротда оламдан ўтади. Мусаввирнинг қабри Кўҳи Мухтор (Мухтор тоғи; Афғонистон худудида)нинг хушманзара жойида. Унинг қабри тошига шоир Амир Дўст Ҳошимийнинг қуйидаги шеъри битилган:

*Ваҳид-ул-аср Бехзод он ке чун у
Зи батни модари айём кам зод,*

*Қазо чун суврати умраш бипардохт
Ажал хоки вужудаи дод бар бод.*

** * **

*Зи ман сувратгаре тарих нурсид,
Баъд у гуфтам жавоб аз жони ношод:
Агар хоҳе ке торихаш бидони,
Назар афкан ба «Хоки қабри Беҳзод».*

Мазмуни: “Ўз асрининг яғонаси бўлган Беҳзод шундай буюк одамки, ундай кишилар онадан жуда кам туғилади... Қазо (ўлим) унинг ҳаётига хотима ясади, ажал унинг тана тупроғини елга топширди. Бу сувратгар Беҳзод вафотининг тарихини (йилини) мандан сўради. Унга ғам-ғусса билан шундай жавоб бердим: «Беҳзод вафот этган» йилини билишни истасанг, «Хоки қабри Беҳзод»га (яъни Беҳзод қабрининг тупроғига) назар сол».

Шарқ халқларининг муштарак ифтихори, буюк фарзанди бўлмиш Камолиддин Беҳзод XV асрнинг иккинчи ва XVI асрнинг биринчи ярмида Ҳирот ва Табризда яшаб, ғоятда баракали ижод этди, ўзидан сўнги авлодга бой, рангбаранг ва ажойиб тасвирий санъат асарларини мерос қолдирди.

Камолиддин Беҳзод ижоди

*Беҳзод чизган расмлар тарқаб кетган жаҳонга,
Асл нухаси етган Париж ва Лондонга.
Унинг кўпгина қисми насиб этган Эронга,
Баъзиларин топарсан борсанг агар Афғона,
Бу нақилар сайд экан, гайрилар сайёд экан.
Маҳмуд Ҳасаний*

Камолиддин Беҳзод саксон йиллик узоқ ва мазмундор ҳаёти давомида Султон Ҳусайн Миро (1469 – 1505), Муҳаммад Шайбонийхон (1451 – 1510), Шох Исмоил Сафавий (1501 – 1524), Шох Таҳмосиб Сафавий (1524 – 1576)лар ҳукмронлик қилган тўрт салтанатни кўрди. Темурийлар сулоласи пойтахти Ҳиротда ва Сафавийлар

пойтахти Табризда яшаб, фалак гардишининг ёрқин кунларию, азоб-уқубатларини ўз кўзи билан кўриб мушоҳада қилди, ижтимоий борлиқдан олган бой ва ранг-баранг таассуротларини, ички кечинмаларини, кайфиятларини ўз ижодида зўр маҳорат билан тасвирлади.

Беҳзоддан бизга қадар ранг-баранг жанрларда кўплаб асарлар қолган. У Шарқ тасвирий санъатини жанр, мавзу, ғоявий йўналиши, тузилиши, ранглар таносиби, шакл ва воқеалар мутаносиблиги жиҳатдан янги тараққиёт чўққисига кўтаради; оддий ҳаётий воқеа-ҳодисалардан тортиб, машриқзаминда кенг ёйилган анъанавий лавҳалар асосида гўзал миниатюралар чизди, даҳо алломаларнинг шоҳ асарларини, тарих китобларини безади; замонасидаги буюк шахсларнинг аксини – портретини яратди.

Дарвоқе, Беҳзод ижодининг дастлабки йилларида кўпроқ тарихий, замонасининг долзарб мавзуларида (масжид қурилиши, туялар жанги, Доро саргузашти, Амир Темур саройида қабул маросими), қаҳрамонлик мавзуларида асарлар яратган бўлса, кейинчалик кўпроқ анъанавий, халқ оғзаки ижоди ва лирик қаҳрамонлар тимсолларини яратишга киришади.

Жумладан, у Низомий Ганжавий «Хамса»си, Амир Ҳисрав Дехлавийнинг «Лайли ва Мажнун» (1492), Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут тайр» (1494) асарларига ғоятда гўзал миниатюралар чизган. Бу асарлар дoston ёки хикоятда тасвирланган воқеанинг мўъжаз бир тарзда ўзида мужассалаштиргани, қаҳрамонларнинг ҳар бири ўзига хос бир тарзда ифодаланганлиги билан киши диққатини ўзига тортади. Масалан, Низомийнинг «Хамса»сига чизилган «Лайли ва Мажнун мактабда» номли сурат ўзининг ҳар жиҳатдан мукамаллиги билан диққатга молик. Тўрт томони нақшинкор бинолар, майсазору гуллар, сермева дарахт оғушидаги синфхонада бир гуруҳ болалар дарс ўқишда, бошқа бир тўдаси эса болаларга хос шўху танглик

билан ўйнашмоқда, овқатланишмоқда, баъзилари либосларини киймоқда. Аммо Лайли билан Мажнун махзун, чор атрофдаги воқеага бепарво, аллақандай ҳаёлот оламига ғарқ, бир-бирларини зимдан кузатиб ўтирибди.

Беҳзод Шарқ миниатюра санъатига ҳаётийлик, ҳаққонийликни – реализмни олиб кирган ижодкордир. Беҳзод томонидан юзлаб миниатюралар ишланган. У Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига, шоир Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон», шоир Абдулло Ҳотифийнинг «Темурнома» каби асарларини нафис ва гўзал минитаюралари билан беаган.

Шунингдек, мусаввир мураққаъ (альбом)ларга ҳам гўзал ва нафис миниатюралар чизган. Жумладан, Хуросон ҳокими Султон Ҳусайн Мирзонинг мажлислари тасвир этилган мураққаъ (альбом). Ушбу мураққаъ Султон Ҳусайн Мирзонинг Ҳиротдаги китобхонаси учун тайёрланган. Бундаги 40 дан ортиқ гўзал миниатюра Камолиддин Беҳзод томонидан ишланган. «Темур тарихи мураққаъси». Ушбу альбом 1467 йилда номаълум санъаткор томонидан тузилган бўлиб, нуқра ва тиллакорлик ҳунарлари ила ўта зўр маҳорат билан жуда пухта ва гўзал ишлангандир. Унда бошқа нафис тасвирий санъат намуналари билан бир қаторда Камолиддин Беҳзоднинг бир неча миниатюралари мавжуд.

У тарихий, замонавий мавзуларда ўнлаб асарлар яратиш билан бирга ўзи бевосита мулоқотда бўлган, мурувват кўрган маслақдошлари, замондошларининг суратларини чизиб, тасвирий санъатимиз тарихига портрет жанрини олиб кирди.

Беҳзод портрет жанрининг бошловчиси ва моҳир устаси бўлган. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон каби тарихий шахсларнинг портрети Беҳзод мўйқалами туфайлигина бизгача етиб келган.

Бизгача Хусайн Бойқаронинг Беҳзод қаламига мансуб иккита тасвири сақланиб қолган.

Жажжи тасвирда Султон Хусайн Бойқаро шаклу шамойили, келбати шундай аниқ ҳаётий ифода топганки, портретни синчиклаб кузатган кишига, Бобурнинг Султон Хусайн Мирзо ҳақидаги таърифи беихтиёр эсга тушади. «Шакл ва шамойили қийиқ кўзлук, шерандом бўйлук киши эди. Белидан қуйи ингичка эди, хуш ранг қизил, яшил абришимни кияр эди. Қора кўзи бўрк кияр эди, ё қалпоқ Аҳёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси ямон чирмон чирмаб, қарқара ўтакаси санчиб, намозга борар эди» («Бобурнома» Б.47).

Беҳзод Шайбонийхон хизматиға ўтиб, 1507 йилнинг иккинчи ярмида унинг портретини яратган. Бу портретийнат ҳар жиҳатдан эътиборға лойиқ. У Беҳзод ижодининг портрет яратишдаги ёркин саҳифаси, десак бўлади. Тасвир композицияси, ранглар уйғунлиги, улар талқини жиҳатдан чуқур рамзий умумлашмани жамлаб олган. Расмда подшоҳнинг сийрати, рухий ҳолати жуда ишонарли ифода қилинган.

Тасвирнинг тепа қисмида Беҳзоднинг иккита дастхати, ўнгда – «Сурати Шайбонийхон», сўлда – «Ал-обд Беҳзод», яъни «Қул Беҳзод» деган битик мавжуд.

Камолиддин Беҳзод яратган уч машҳур ўзбек подшоҳининг тасвирий тийнати Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихида алоҳида ўрин тутади.

Камолиддин Беҳзод ижоди ҳақида гапирганда, қоҳиралик санъатшунос олим доктор Муҳаммад Мустафо томонидан нашр этилган «Беҳзод миниатюра мактабига оид мўъжаз тасвирлардан намуналар» деган мажмуа Беҳзоднинг машҳур «Султон Хусайн Мирзо саройида зиёфат» деган миниатюраси билан очилади.

Мажмуадаги иккинчи тасвир ҳам мазмун жиҳатидан биринчисига ўхшаб кетадики, унда ҳам Султон Ҳусайн Мирзо хузуридаги зиёфатлардан бири тасвирланади.

Ушбу мажмуадаги Беҳзод мўйқаламига мансуб тасвирларнинг учинчиси «Малик Доро ва отбоқарлар» деб аталади.

Камолиддин Беҳзод ижоди кейинги асрлар Хуросону Мовароуннаҳр, Ҳиндистон миниатюра санъати ривожига сезиларли таъсир этган. Қосим Чехракушо, Маҳмуд Музаҳҳиб, Мулло Дарвеш, Дўсти Девона, Муҳаммадмурод Самарқандий сингари мусаввирлар Беҳзод миниатюра мактабидан бевосита сабоқ олиб, унинг илғор анъаналарини муваффақият билан давом эттирган санъаткорлардир.

Беҳзод ва унинг шогирдлари санъати Европа рассомлари ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатгани рост. 1903 йили Германияда санъат кўргазмаси очилган. Унда Беҳзод ва унинг замондошлари асарлари намойиш этилади. Кўргазмани Анри Матисс, Сезанн каби француз рассомлари кўриб, ҳайратга тушишади. Шарқ рассомлари асарларидаги бири-бирига зид, кескин ранглар, уларни нозик мувозанатда ва уйғунликда ишлаш санъати уларга катта таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида қайт қилиб айтиш мумкинки, Камолиддин Беҳзод ижоди кўп асрлардан бери жаҳон санъати аҳлига таъсир кўрсатиб келади. Республикамизда унинг бадиий меросини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

Беҳзод ижодини тадқиқ ва тарғиб этишда санъатшунос, файласуф, тарихчи ва адабиётшунос олимлар томонидан қатор монография, рисола ва илмий мақолалар яратилган ва яратилмоқда.

Жумладан, Н.Норкуловнинг «Камолиддин Беҳзод» (1968), Н.Норкулов ва Н.Низомитдиновларнинг «Миниатюра тарихидан лавҳалар» (1970), О.Усмоновнинг «Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби» (1977),

К.Оқиловнинг «Мусаввир Камолиддин Бехзод» (1993), Н.Ойдиновнинг «Бехзоднинг нурли мўъжизаси» (1996), Б.Мансуровнинг «Шарқ санъатининг буюк намояндаси» (буюк мусаввир Камолиддин Бехзод) (1977), Т.Қўзиевнинг «Жаҳонни забт этган мусаввир» (Камолиддин Бехзод 545 ёшда) (1997), «Бехзод ва тамаддун» (2000), О.Усмонов ва А.Мадраҳимовнинг «Камолиддин Бехзод» (2000) каби рисолалари яратилди.

Шунингдек, шоир ва ёзувчилар томонидан яратилган роман, дoston ва шеърларда Бехзод образи қаламга олинган. Масалан, Ойбекнинг «Навой», П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романидаги каби эпизодик тимсол бўлиб эмас, Бехзод образи бир даҳо сифатида ўз аксини топади. Шукур Курбоннинг «Бехзоднинг бир куни» драматик достони, О.Бўриевнинг «Бехзод ва Ширин» достони, Махмуд Ҳасанийнинг «Наққошларнинг султони» шеъри, Темур Убайдуллонинг «Мусаввирнома» каби шеърлари яратилган.

Бехзод номини абадийлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг Фармони (1997 йил 23 январь)га биноан Камолиддин Бехзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди. Тошкентдаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига Камолиддин Бехзод номи берилди.

1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони бўйича Ўзбекистонда биринчи марта Т.Болтабоев, Х.Назаров, Ғ.Камолов, А.Илҳомов, Б.Раҳмонбердиев, Р.Матчоновлар Бехзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотини олишга муяссар бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (1997 йил 23 декабрь)га биноан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО ҳомийлигида Бехзод таваллудининг 545 йиллиги

кенг нишонланди. 2000 йил ноябрда бу тадбир дунёнинг 190 мамлакатада нишонланди.

Тошкентда 2000 йил 23 ноябрда Темурийлар тарихи Давлат музейида «Камолитдин Бехзод ва Шарқ миниатюра санъати» халқаро анжуман бўлди. Ушбу анжуманда Британия, Туркия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Ўзбекистон санъатшунос олимлари иштирок этдилар. Юбилей муносабати билан Бехзод ҳаёти ва ижодига бағишланган бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, «Камолитдин Бехзод» ҳужжатли филми яратилди (2000 й). Бехзод боғи барпо этилди. Махсус музей очилди. Альбомлар, тақдимлар чиқарилди. Оммавий ахборот воситаларида кўплаб эшиттириш, кўрсатув ва вақтли матбуотларда мақолалар берилаётир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича ташкил этилган махсус комиссия Камолитдин Бехзоднинг дунё бўйлаб сочилиб кетган меросини, кутубхона ҳамда музейларда сақланиб қолган асарларини ўрганиб чиқади. Бевосита Камолитдин Бехзод қаламига мансуб 120 дан ортиқ миниатюра асарлари борлиги аниқланди.

Масалан, Оксфорддаги (Буюк Британия) Бодлиан кутубхонасида Алишер Навоий «Хамса»сида Камолитдин Бехзод мўйқалами билан ишланган миниатюраларнинг аслияти мавжудлиги аниқланди. Мазкур кутубхонанинг Шарқ бўлимида «Хамса»га кирган 4 та асарнинг ўзидагина Бехзод мўйқаламига мансуб миниатюраларнинг сони 17 тани ташкил этади. Яна, дунёдаги энг йирик илмий хазиналардан бири бўлган Лондондаги Британия кутубхонасида Низомийнинг «Хамса»си қўлёзмасига Бехзод томонидан ишланган 27 та миниатюра борлиги аниқланди.

Қоҳира шаҳридаги Миллий кутубхонада сақланаётган Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари даҳоси билан яратилган миниатюра санъатининг ноёб дурдоналари аниқланди. Уларнинг 6 таси шахсан Камолиддин Беҳзод мўйқалами билан чизилган. 10 га яқини унинг шогирдлари Қосим Али, Шайхзода ва Султон Муҳаммад ижодининг маҳсули экан.

Шунингдек, Истамбул шаҳридаги «Тўпкапи» саройи кутубхоналарида сақланаётган Камолиддин Беҳзоднинг Ҳисрав Дехлавий ва Низомий асарларига ишланган 14 дона миниатюра асарларидан олинган кўرғазмалар учун мослаштирилган рангли суратлар ҳам шулар жумласидандир.

Виктория ва Альберт музейида сақланаётган ҳамда Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шедрин кутубхонасида сақланаётган миниатюраларнинг эгизак нусхалари яратилиб Ўзбекистонга олиб келинди.

Хулоса қилиб айтганда, Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан яратилган миниатюралар асарларининг слайдлари, компакт диск ҳамда факсимил репродукциялари, кўрғазмалар учун мослаштирилган транспарент шаффоф нусхалар олиб келиниб Камолиддин Беҳзод музейига топширилди.

Камолиддин Беҳзод замондошлари хотирасида

Камолиддин Беҳзод замондош мўйқалам соҳиблари орасида энг яхши мусаввир ва хаттотларнинг бошлиғи, ўз санъатининг чўққисига эришган улуглардан эди.

Дўст Муҳаммад

Рангтавир пайдо бўлгандан буён бу соҳада санъат аҳли орасида унга тенг келадигани йўқ эди.

Қози Аҳмад

Камолиддин Беҳзод ажойиб ва гаройиб суратларини заҳир қилувчи ҳунар нодирликларини бунёд этувчи Моний каби сурат чизувчи, мўйқаламли, олам мусаввирлари асар-

ларини (ажойиб суратлари билан) йўққа чиқарувчи мисли
йўқ (нозик) ҳунарини маҳа қилгувчидир...

Хондамир

Устоди моҳируласноф ҳамиша суввари мухталифа
ва нуқуши мутанаввиани ўзи билан сақлаб эди, ҳожат
вақтида ишга сурар эрди ва аксар Амир Бобо Маҳмуд
суратинким, даргоҳи олампаҳо Султон Ҳусайн Мирзонинг
азимшаън, бузург рафиуламакон, сутург кубаросидан эрди
авзоъи мухталифа билан тасвирин чекар эрди.

Зайниддин Восифий

Аср нодири, мусаввирлар пешвоси, устод
Камолиддин Беҳзодга – Ҳумоюн подшоҳ кутубхонаси
аҳлига, яъни котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, ҳалкор
ва зарқўбларга... бошчилик мансаби топирилсин.

Ҳусайн Бойқаро

Мусаввирлардан Беҳзод эди, мусаввирлик ишини
бисёр нозук қилди... Соҳоллик кишини яхши чехрали,
кушойлик қиладур.

* * *

Устод Беҳзоднинг (яъни Алишербекнинг) тарбият ва
тавқияти билан, саъй ва эҳтимоли билан мундоқ тараққий
ва шухрат, мундоқ машҳур ва маъруф бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Камолиддин Беҳзод чет элликлар хотирасида

Беҳзод миниатюралари шарқ тасвирий санъати
дунё маданиятининг ноёб хазинаси эканлигидан далолат
беради. Унинг асарлари ғарб тасвирий санъати ривожига
ҳам бевосита таъсир кўрсатган. Мусаввирлик, умуман,
санъат чегара билмайди. Ундан ҳамма миллат кишилари
бир хил баҳраманд бўлаверади. Рассомнинг асарини тушу-
ниши учун таржимон талаб этилмайди. Масалан, Беҳзод
асли шарқлик эса-да, унинг мўйқалами ҳосилаларидан
Европа ёғуд Лотин Америкаси халқлари ҳам бевосита завқ
олаверади.

Камол Ҳасан Шалтут (Миср)

Беҳзод миниатюралари Шарқда қадимдан тасвирий санъат яхши ривожланганини, Шарқ кишиларининг диди ниҳоятда нозик бўлганлигини тасдиқлайди.

Омур Коч (Туркия)

Беҳзод наққошлиги XV аср миниатюра санъатининг олтин даври ҳисобланади. Беҳзод Ҳирот нафис тасвирий санъат мактабида энг улкан устоз мусаввир эдиким, унинг шогирдлари гўзал миниатюрасозлик санъатини бутун жаҳон бўйлаб тарқатдилар.

Абдулхай Ҳабибий (Афғонистон)

Ўша замонда жуда катта шуҳрат қозонган Беҳзод ва Шох Музаффар сингари атоқли наққош-рассомлар, шубҳасиз, Мир Алишер Навоийнинг қўллаб-қувватлаши натижасида камолотга эришдилар.

Эдвард Браун

Беҳзод мусаввир Мирак Наққош раҳбарлигида шаклланган бўлса, ижодининг юксак босқичига кўтарилиши давлат арбоби, шоир Мир Алишер раҳбарлигида бўлди. Худди ана шу зотнинг хомийлиги, раҳбарлиги, йўл-йўриқ кўрсатиши натижасида... устоз Беҳзод ва Шох Музаффарлар рассомликда шуҳрат қозондилар.

Н.Шукин (Француз санъатишунос олими)

Буюк мусаввир Беҳзод миниатюра санъатини фақат шаклий жиҳатдан эмас, бетакрор мазмун ва моҳият, фалсафий жиҳатдан ҳам юксак поғонага кўтара олди. Унинг асарлари исломий маданият дурдоналари сифатида Европа тамаддунига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Ибодулла Баҳорий (Буюк Британия)

Нозик мўйқаламни илгари ҳам, кейин ҳам ҳеч бир мусаввир Беҳзодчалик ишлатишга муваффақ бўлолмаган, ишлатолмайди ҳам.

** * **

Беҳзоднинг овруполик рассомлар сингари студияси бўлмаган. Унинг иш жойи оддий хужра бўлиб, деворлари

моҳир Шарқ хаттотлари томонидан суралар билан безатилган эди. Шундай муҳитда Беҳзод яшар, нозик мўйқалам билан ижод қиларди.

Ф.Р.Мартин (Швед санъатишуноси)

Беҳзод XX – XXI аср олимлари талқинида

Беҳзод хақли равишида улуг санъаткор рассом Беҳзоднинг мўйқалами ҳақиқатан том маънода сеҳргардир. Бўёқларнинг майин гўзаллиги, доимий оҳанги, япроқларнинг ёрқин кўзга ташиланган маъноси билан бу рассом ўз санъатининг қайта келмас бир моҳиридир.

Ойбек

У жаҳон тасвирий санъатининг буюк арбоби. Хусусан, ўзбек миллий тасвирий санъатининг илк намояндаси. Айни пайтда жаҳон цивилизациясига, шу соҳа тараққиётига кучли таъсир ўтказган зотлардан.

А.Қаюмов

Беҳзод яратган миниатюралар Навоий асарларини чуқур тушунишга, англашга, таҳлил қилишга ёрдам беради. Суратлар ёрдамида Навоий сатрларини, мазмун-моҳиятини англаш осонлашади.

А.Ҳайитметов

Хуросон ўлкаси пойтахти Ҳиротда дунёга келган Камолиддин Беҳзод ўз даврининг буюк рассоми, «Монийи соний» унвонига сазовор бўлиб, аср нодири, XV аср иккинчи ярми Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси сифатида шуҳрат қозонди.

М.Хайруллаев

Беҳзод нафақат Шарқ халқлари маданияти тарихида ўчмас из қолдирган, жаҳон тамаддуни хазинасини ўзининг ажойиб қимматбаҳо дурдоналари билан бойитган, бутун дунё цивилизацияси тарихида салмоқли ўрин олган буюк ва забардаст санъаткордир.

О.Усмонов

Бехзод ҳаёти ва ижодий фаолиятини ҳамда у ҳақидаги манбаларни биласизми?

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни Камолиддин Бехзод ижоди, унинг таржимаи ҳоли, у ҳақидаги хотиралар, бағишлов, яратилган асарлар, у ҳақидаги манбаларнинг юқори ўқилиши орқали қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, ёш рассомлар гуруҳи киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра шу саволлардан айримлари танлаб ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Кутубхонада саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини Бехзод ҳаёти ва ижодий фаолияти берилган нашрларга, у ҳақидаги монография ва рисоаларга, илмий мақолаларга, мумтоз адабиётимизнинг йирик вакиллари асарларига, мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан чиқарилган Қарор, Қонун, Фармонларга, чет эллардан олиб келинган миниатюралар нусхалари ҳамда слайдларига қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган жойда Камолиддин Бехзоднинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи китоб суратли кўرғазмани ташкил этишни тавсия қиламиз.

Шунингдек, беллашув ўтказиладиган жойда миниатюраларнинг кўрғазмасини намойиш этиш мумкин. Яна «Камолиддин Бехзод» номли ҳужжатли фильмидан парчалар кўрсатиш мумкин.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб кутубхоначилар,

билимдонлар қайси асарлардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Камолиддин Бехзод қачон ва қаерда таваллуд топган?

(Камолиддин Бехзод 1455 йилда Хиротда хунарманд-косиб оиласида дунёга келди).

2. Камолиддин Бехзодни шогирдликка олган шахс ким?

(Султон Хусайн Мирзо китобхонасининг раиси Мавлоно Наққош ёш Бехзодни шогирдликка олади).

3. Камолиддин Бехзоднинг рассом бўлиб шаклланишида кимнинг роли катта бўлган?

(Камолиддин Бехзоднинг рассом сифатида шаклланишида мутафаккир Алишер Навоийнинг хизмати беқиёс катта бўлган).

4. Камолиддин Бехзод ҳаёти давомида ҳукмронлик қилган қайси салтанат соҳибларини кўрган?

(Камолиддин Бехзод узоқ ва мазмундор ҳаёти даврида Султон Хусайн Мирзо (1469 – 1506), Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510), Шох Исмоил Сафавий (1501 – 1524), Шох Таҳмосиб Сафавий (1524 – 1576)лар ҳукмронлик қилган тўрт салтанатни кўрди).

5. Камолиддин Бехзод ижодининг дастлабки йилларида қандай мавзуларда ижод этган?

(Бехзод ижодининг дастлабки йилларида кўпроқ тарихий, замонасининг долзарб (масжид қурилиши, туялар жанги, Доро саргузашти, Амир Темур саройида қабул маросими), қаҳрамонлик мавзуларида асарлар яратган).

6. Маълумотларга кўра, Бехзод кейинчалик анъанавий, халқ оғзаки ижоди ва лирик қаҳрамонлар тимсолларини яратишга киришади дейилган, шунга мисоллар келтиринг?

(Жумладан, у Низомий Ганжавий «Хамса»си, Амир Ҳисрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» (1492),

Фаридиддин Атторнинг «Мантикут тайр» (1494) асарларига ғоятда гўзал миниатюралар чизган. Бу асарлар дoston ёки хикоятда тасвирланган воқеанинг мўъжаз бир тарзда ўзида мужассамлаштиргани, қаҳрамонларнинг ҳар бири ўзига хос бир тарзда ифодаланганлиги билан киши диққатини ўзига тортади. Масалан, Низомий «Хамса»сига чизилган «Лайли ва Мажнун мактабда» номли сурат ўзининг ҳар жиҳатдан мукамаллиги билан диққатга молик. Тўрт томони нақшинкор бинолар, майсазори гуллар, сермева дарахт оғушидаги синфхонада бир гуруҳ болалар дарс ўқимокда, бошқа бир тўдаси эса болаларга хос шўху танглик билан ўйнашмоқда, овқатланишмоқда, баъзилари либосларини киймоқда. Аммо Лайли билан Мажнун маҳзун, чор атрофдаги воқеага бепарво, аллақандай ҳаёлот оламига ғарқ, бир-бирларини зимдан кузатиб ўтиришибди).

7. Беҳзод мўйқалами туфайли қайси тарихий шахсларнинг портрети бизгача етиб келган?

(Камолиддин Беҳзод тасвирий санъатимиз тарихига портрет жанрини олиб кирди. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Султон Али Машҳадий, Ҳоким Муҳаммад, Султон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон каби тарихий шахсларнинг портрети бизгача етиб келган).

8. 1487 йили Шерали Хаттот машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сини кўчирган, ушбу асардаги расмнинг нечтаси Беҳзод мўйқаламига мансуб?

(Ушбу дастхат АҚШнинг Балтимор шаҳридаги Жон Хопкинс университети кутубхонасида сақланмоқда. Асардаги 12 расмнинг саккизтаси Беҳзод мўйқаламига тааллуқли. Уларда шоҳ саройидаги қабул маросимлари, жанг манзаралари, бинокорлик жараёни, ов палласи акс этган).

9. Камолиддин Беҳзод «Тўялар жанги» санъат асарини қачон ва қерда яратган?

(«Туялар жанги» нодир ва нафис тасвирий санъат асари Камолиддин Бехзод томонидан 1525 йилда Табризда яратилган).

10. Бехзод томондан яратилган ёки ишланган Жомий портретининг асл нусхаси ҳозир қаерда сақланмоқда?

(Камолиддин Бехзод томонидан ишланган Жомий портретининг асл нусхаси ҳозир Эрондаги «Ҳазрати Ризо» кутубхонасида сақланмоқда).

11. Бехзод қайси йиллари Муҳаммад Шайбонийхон хизматида бўлган?

(У 1507 – 1510 йилларда Ҳиротни эгаллаган Муҳаммад Шайбонийхон хизматида бўлган).

12. Камолиддин Бехзод ҳаётлигида қандай сифатларни олган?

(Камолиддин Бехзод ҳаётлигидаёқ «аср мўъжизаси», «ўз даврининг чўққиси» сифатларини олган).

13. Камолиддин Бехзод қандай жанрларда ижод қилган?

(Хиротдаги барча мусаввирлар каби Бехзод ҳам турли жанрларда – лирик, ҳаётий, жанг манзаралари, маиший ва ҳатто ҳали мурғак портрет жанрида ҳам ижод қилди).

14. Қуйида келтирилган парча нима?

«Ҳирот китобхонасининг бошлиғи (мансаби) учун устод Камолиддин Бехзод номига берилган нишон.

Ижод ва яратиш корхонаси мусаввирларининг иродаси, еру осмон нигорхонаси муҳаррирининг кудрати билан... ҳукм қилурмизки, аср нодири, мусаввирлар пешвоси... Устод Камолиддин Бехзод Ҳумоюн яъни (подшоҳ) китобхонаси аҳлига: котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, ҳалқор ва заркўбларга, шунингдек мазкур ишларга мансуб бўлган Аллоҳ паноҳидаги бутун мамлакат жамоатига бошчилик мансаби топширилсин. Таҳрир этилди 889 хижрий йил 27 жумоди ул-аввал (1487 йил 22 июн)».

(1487 йилда Камолиддин Беҳзод Султон Ҳусайн Мирзонинг шахсий фармони билан Ҳиротдаги салтанат китобхонасига бошлиқ этиб тайинланади. Тарихчи Ғиёсиддин Хондамирнинг «Номаи номий» асарида ўша фармоннинг матни).

15. Беҳзод миниатюра мактаби қачон юзага келди?

(Беҳзод миниатюра мактаби – Шарқ миниатюра санъатида Беҳзод ижоди таъсирида (XV аср охири XVI аср бошларида) юзага келган ўзига хос йўналиш).

16. Қайси йили Беҳзод Табриздаги салтанат китобхонасига бошлиқ қилиб тайинланган?

(1522 йилда Шоҳ Исмоил Сафавий махсус фармон чиқариб, санъаткор Беҳзодни Табриздаги салтанат китобхонасига бошлиқ қилиб тайинлайди).

17. Хуросон ҳокими Султон Ҳусайн Мирзонинг мажлислари тасвир этилган мураккаб (альбом)да Камолиддин Беҳзод томонидан неча миниатюра ишланган?

(Мазкур мураккаб Султон Ҳусайн Мирзонинг Ҳиротдаги китобхонаси учун тайёрланган эди. Бундаги 40 дан ортиқ гўзал миниатюралар Камолиддин Беҳзод томонидан ишланган. Мураккаб даставвал Афғонистонда эди. XX асрнинг бошларида уни франциялик санъатшунос олим Мусье Фоше сотиб олади ва Франциядаги Лувр музейига топширади. Ҳозир у ўша ерда сақланмоқда).

18. Ушбу келтирилган парча кимнинг асаридан олинган?

Тухмасп қўлларини ёзиб, тахтнинг иккала ёнидан ушлади, қошлари чимирилди.

Беҳзод шунга амин бўлдики, шоҳ ҳар гал тахтнинг иккала ёнини ушлаганда ёки тахтга ўтирганида, унда бошқа бир ҳолат содир бўлмай. Тухмасп бошқа пайтлари, устози олам деб сўзларди.

(Нодир Норматнинг «Беҳзод» эссесидан олинган).

19. «Агар жангда ҳалок бўлсам, мамлакат талон-тароҷ бўлса ҳам... устоз Беҳзоднинг Салим қўлига тушишини истамайман» деган Шоҳ ким?

(Шоҳ Исмоил 1514 йил турк султони Салимга қарши жангга отланаётган пайтда юқоридаги ниятини айтган).

20. Беҳзод мактабининг ҳозирги замондаги давомчилари кимлар?

(Беҳзод мактабининг ҳозирги замондаги давомчиларини Афғонистонда Устод Муҳаммад Саид Машъал, Эронда Карим Тоҳирзода Беҳзод, Ўзбекистонда мархум устод Чингиз Аҳмаров, Темур Саъдуллаев ва бошқаларни шарқ ўлкаларида ҳам кўриш мумкин).

21. Ушбу келтирилган парча қайси асардан олинган?

– Таълим олмоқдан ҳеч вақт юз ўғирмангиз – деди Навоий.

Шоир намозшомдан кейин Мирак Наққошни ва унинг ажойиб шогирдини зиёфат қилди. Овқат устида Ҳиротдаги ўзга рассомлар ҳақида сўзлашдилар. Дастурхон йиғиштирилгандан сўнг, Навоий яна Беҳзод расмларини шам нурида қарай бошлади. Ҳар бир чизиғига, бўёқларнинг энг ингичка товланишларига қадар қаттиқ диққат қилди. Расм санъатини чуқур тушунган ва чуқур завқ соҳиби одамлар кўра оладиган баъзи нуқсонларни Беҳзодга кўрсатди. Унинг қаламининг қудрати ва шу давргача ҳеч кўрилмаган нафосати нимада эканини изоҳ қилишга тиришди. Беҳзод Навоийни ёлғиз шоир деб биларди. Расм ҳақидаги фикрларининг тўғрилиги уни жуда таажжублантирди. Шоирнинг ҳар бир сўзини таг-туғи билан уқиб олишга интилди.

(Ойбекнинг «Навоий» романидан олинган).

22. Ушбу келтирилган шеърий парча қайси муаллифнинг қаламига мансуб?

*Наққошларнинг султони, ким десанг, Беҳзод экан,
Ундан ўтай деганнинг меҳнати барбод экан,
Гўзалликлар боғида бир сарви озод экан,*

Ҳақнинг ўзидан унга илҳому имдод экан.

Асрлар ўтса ҳамки номи тилда ёд экан.

(Юқорида келтирилган шеърий парча Махмуд Ҳасанийнинг «Наққошларнинг султони» шеъридан олинган).

23. Камолиддин Беҳзод ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қайси муаллиф дoston ёзган ва шу дostonдан парча келтиринг?

(Камолиддин Беҳзод ҳаёти ва фаолияти ҳақида О.Бўриев «Беҳзод ва Ширин» дostonини ёзган. Дostonдан парча:

*Беҳзод сувратини қўйдию мизга,
Кўзи тушди унинг дилоро қизга.
Бу эди Наққошнинг ягона қизи,
Ҳирот боғларининг хушбўй ялпизи.
Ўн уч – ўн тўртларга қўйганди қадам.
Хусни малоҳати эди бир олам.
Беҳзод суратига бўлиб маҳлиё.
У бирла суҳбатлар қуларди гоҳо.
Мирак Наққош ила Гулноз Бахти,
Ҳаёт боғларининг ёлғиз дарахти.
Диларо Ширини қизганмай сира,
Беҳзодни билишиб пок ва бокира,
Алар суҳбатига берилмай ҳалал
Ака-сингил каби улар хар маҳал,
Ўзаро қилиниб эркин мулоқот.
Ҳаёлга келтирмас эдики Беҳзод.
Пайти келиб шу гўзал ёри бўлишин,
Бағрида ҳилоли ойдек тўлишин.*

24. Қуйида келтирилган парча кимнинг қаламига мансуб?

*Мен сиз билан, дейди Беҳзод ҳам шу тоб,
Кошкийди ўчмаса ёққан чирогим.
Одамлар, сизларга қолдирдим, боқинг,*

*Рангларда тўлдириб ёруғ жаҳонни.
Сизлар ҳам яшнатинг, чечаклар тақинг,
Кўрмангиз сира ҳам қайғу, армонни.
Шу гўзал дунёнинг яшанг шиқиди,
Ҳамиша ардоқланг, бўлингиз шайдо.*

(Темур Убайдуллонинг «Мусаввирнома» шеърий кассасидан олинган).

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа ва батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига рассомлар, тарихчилар, адабиётшунослар, шоирлар, ёзувчилар, файласуфлар, журналистлар, санъаткорлар, шунингдек адабиёт ва тарих билимдонлари таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

“Навоий ва Бехзод”

Мунозара кечаси

1. Бехзод Алишер Навоий кашф қилган санъат тарихининг ёрқин ва нодир сиймоларидандир дейилган? Бу тўғрисида сизнинг фикрингиз?

2. Алишер Навоий билан Камолиддин Бехзод ўртасидаги муносабатлар тўғрисида фикрингиз қандай?

3. Афғонистонлик олимларнинг «Жунг» деган баёзи (тўплам)да Бехзод билан Алишер Навоий ўртасидаги муносабатнинг берилиши тўғрисида сизнинг фикрингиз?

4. Зайнуддин Васифий ўзининг «Бадои-ул вақое» асарида Алишер Навоий билан Камолиддин Бехзод орасидаги муносабатни қандай келтиришга эришган?

5. Бехзоднинг камолотга эришувида Алишер Навоийнинг роли қандай бўлган?

“Шарқ халқларининг буюк фарзанди”

Давра суҳбати

1. Беҳзод мўйқаламига мансуб расмларнинг жаҳонга тарқалиб кетишига нималар сабаб бўлган?
2. Чет мамлакатлар кутубхоналари ва музейларида Беҳзод асарларининг сақланишига сабаб нима?
3. Хорижлик санъатшуносларнинг Беҳзод асарлари тўғрисида фикрлари.
4. Жаҳоннинг 190 дан ортиқ мамлакатларида 2000 йил унинг таваллудини нишонланишига сабаб нима деб ўйлайсиз?
5. Беҳзод мактабининг ҳозирги замондаги давомчиларини қайси мамлакатлар мисолида кўриш мумкин?
6. Беҳзод жаҳоннинг буюк тасвирий санъат вакиллари диққат марказида бўлишига нима сабаб?
7. Беҳзод ва унинг нафис тасвирий санъат мактаби вакиллари томонидан яратилган миниатюрада мусиқа асбобларининг тасвири қандай берилган?

«Дунё тан олган мусаввир» номли китоб-суратли кўرғазмани ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўрғазмасининг мақсади, кутубхонада ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради Кўрғазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Беҳзод ҳаёти ва фаолиятининг саҳифалари

*Эй мусаввир дилбаримга сурати монанд қил,
Кўрмакидин хотиримни гаҳ-гаҳи хурсанд қил.*

Алишер Навоий

Бу бўлимга Камолиддин Беҳзод ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги нашрлар қўйилади.

2. Беҳзод тенгсиз иқтидорли мусаввир

*Камолиддин Беҳзод халқимиз
маънавиятининг ёрқин тимсоли, тенгсиз
иқтидори, юксак бадиий маҳорати,
бетакрор асарлари билан Шарқ Уйғо-*

*ниш даври маданиятига улкан ҳисса
қўшган, машириқ, миниатюра мактаби-
нинг асосчиси бўлиб тарихдан мангу
жой олган буюк аждодимиздир.*

И.Каримов

Бу бўлимга Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур, Хисрав Дехлавий, Абдулло Ҳотифий, Саъдий ва бошқа мумтоз адабиёт вакилларининг асарларида акс эттирилган Камолиддин Бехзод мўйқаламига мансуб бўлган расмлар ҳамда миниатюралар акс эттирилган нашрлар қўйилади.

3. Камолиддин Бехзод ХХІ асрда

*Бехзод ижодини ўрганиши, унинг
анъаналарини давом эттириши –
бугунги авлод олдидаги шарафли
бурчдир.*

Т.Кўзиев

Бу бўлимда мустақиллик йилларида Камолиддин Бехзод тўғрисида чиққан фармонлар, қарорлар, у ҳақида яратилган монография ва рисоалар, ўтказилган халқаро анжуманлар материаллари тўпланган манбалар, илмий мақолалар, илмий-оммабоп, публицистик нашрларни намоёниш этиш мумкин.

4. Бехзод образи бадиий адабиётда

*Бугун Бехзод номини ёдлайди жумла жаҳон,
Дунёга бир бор келур бундайин инсон,
Тўйинг муборак бўлсин, Наққош аҳлига султон
Сени олқишлар бугун мустақил Ўзбекистон,
Муҳиббий ҳам тўйинга қарсак чалиб шод экан.*

Маҳмуд Ҳасаний

Бу бўлимга шоир ва ёзувчиларнинг Бехзодга бағиш-лаб ёзилган дostonлари, эсселари, шеърлари, Бехзод образи берилган «Навоий», «Юлдузли тунлар» романлари ва шу каби бадиий нашрлар намоёниш этилади.

Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар

туркуми

Илмий-амалий конференция

1. «Камолиддин Бехзод ва Шарқ миниатюра санъати».
2. «Дунё тан олган мусаввир».
3. «Чехракушолар сарвари».
4. «Камолиддин Бехзод ижоди» каби мавзуларда;
«Улуғ мусаввир», «Забардаст мўйқалам соҳиби», «Ҳаётлигида тан олинган мусаввир», «Шарқ қуёши» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Китобхонлар конференцияси

1. «Миниатюра санъатининг атоқли вакили».
2. «Мусаввирлар султони».
3. «Наққошларнинг султони».
4. «Шарқнинг фусункор мусаввири» каби мавзуларда;
«Буюк ва забардаст санъаткор», «Шарқ халқларининг муштарак фарзанди», «Устоз мусаввир» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Илмий-амалий семинар

1. «Бехзод портрет жанрининг бошловчиси ва моҳир устаси».
2. «Бехзод ижодида чолғулар талқини».
3. «Бехзод мўйқалам соҳиби» каби мавзуларда;
«Камолиддин Бехзод бебаҳо истеъдод соҳиби», «Шарқнинг даҳо мусаввири», «Шарқ халқларининг буюк фарзанди, муштарак ифтихори» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. «Камолиддин Бехзод миниатюралари».
2. «Шарқ санъатининг буюк намояндаси».
3. «Рангтасвирда беназир мусаввир».

4. «Камолиддин Беҳзод – Шарқнинг буюк рассоми» каби мавзуларда;

«Жаҳонни забт этган мусаввир», «Буюк ўзбек мусаввири» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. «Камолиддин Беҳзодни биласизми?»

2. «Камолиддин Беҳзод ким?»

3. «Камолиддин Беҳзод миниатюраларини биласизми?» каби мавзуларда;

«Буюк мутафаккир», «Бетакрор мўйқалам соҳиби», «Буюк миниатюрочи рассом» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. «Навоий ва Беҳзод».

2. «Беҳзод ижодини биласизми?»

3. «Дунё халқларини ҳайратга солган мусаввир» каби мавзуларда;

«Нурли мўйқалам соҳиби», «Олтин асрнинг олмос донаси», «Забардаст рассом» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. «Камолиддин Беҳзод миниатюраларининг йирик давлатлар музей ва кутубхоналарида сақланиши».

2. «Мустақиллик йилларида Камолиддин Беҳзоднинг чет эллардаги асарларининг олиними»

3. «Беҳзод ижоди бой ва ранг-баранг» каби мавзуларда;

«Шарқнинг ёрқин юлдузи», «Мустақиллик ва Беҳзод», «Руҳият наққоши» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. «Камолиддин Беҳзод ижодининг бугунги кун мусаввирларига таъсири».

2. «Алишер Навоийнинг Камолиддин ижодига таъсири».

3. «Бехзод ва унинг мактаби» каби мавзуларда;

«Жаҳон тасвирий санъатининг буюк арбоби», «Мусаввирлар пешвоси», «Ўзбек миллий тасвирий санъатининг илк намояндаси» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

I. Камолиддин Бехзод номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндорлари билан

- | | |
|--------------------|---------------|
| 1. Т.Болтабоев | 4. Ҳ.Назирова |
| 2. Ғ.Камолов | 5. А.Илҳомов |
| 3. Б.Раҳмонбердиев | 6. Р.Матжонов |

II. У ҳақида рисола ва илмий мақолалар ёзган олимлар билан

- | | |
|-----------------|-----------------|
| 1. Н.Норкулов | 5. Б.Мансуров |
| 2. О.Усмонов | 6. А.Қаюмов |
| 3. А.Мадрахимов | 7. А.Ҳайитметов |
| 4. Т.Қўзиев | 8. О.Бўриев |

«Буюк мусаввирга эҳтиром», «Буюк мусаввир номи улуғлаб», «Умри боқий мусаввир», «Мангу бахтли сиймо» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Хотира ва қадрлаш соати

1. «Мангуликка дахлдор мусаввир».
2. «Улуғларни улуғлар йўқлар».
3. «Халқимиз ўз буюк мусаввирини ардоқлайди».
4. «Бехзод ўзбек миллий санъатининг ифтихори»

каби мавзуларда;

«Ўчмас номинг жаҳонда», «Мангуликка дахлдор рассом», «Асарлари кадр топган мусаввир», «Улуғ ном соҳиби» каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Оғзаки журнал

1. Бехзод «Шарқ Рафаэли».
2. «Бехзод мутафаккир ва мусаввир».
3. «Бехзоднинг ҳаёти ва ижод йўли» каби мавзуларда,

«**Камолиддин Бехзод 550 ёшда**» рукни остида картотека тузиш ва у ҳақидаги материаллар билан картотекани бойитиб бориш.

«**Камолиддин Бехзод 550 ёшда**» рукни остида мавзули папкалар ва миниатюраларининг альбомларини ташкил қилиш.

Қатнашувчилар: жойлардаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказлари, «Олтин мерос», «Маҳалла», «Нуроний», «Истеъдод» жамғармаларининг вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Бадий Академияси ходимлари, Бехзод номидаги музей ходимлари, рассомлар уюшмаси вакиллари, хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари, рассомлар, санъатшунослар, тарихчилар, адабиётшунослар, файласуфлар, диншунослар, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, педагоглар ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Тасвирий ва амалий санъат халқ хунармандчилиги соҳасида Камолиддин Бехзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотини бериш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 1997 й. 27 август //Қишлоқ ҳаёти.-1997. - 29 авг.; ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1997.-№ 8.-Б.81.

Каримов И. «Камолиддин Бехзод ва Шарк миниатюра санъати» Халқаро анжумани иштирокчиларига: [Ўзбекистон Республикаси Президентининг табрикномаси] //Ишонч.-2000.-24 нояб.; Халқ сўзи.-2000.-24 нояб.; Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2000.-24 нояб.; Қишлоқ ҳаёти.-2000.-24 нояб.

* * *

Камолиддин Бехзод (1455 – 1537) //Буюк сиймолар, алломалар: (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар). К.2. /Нашрга тайёрл. М.М.Хайруллаев.-Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 1996.-Б. 90-94.

Камолиддин Бехзод (1455 – 1537) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) /Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев.-Тўлд.қайта нашр. - Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 1999.-Б.228-232.

Камолиддин Бехзод (1455 – 1537) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) /Тўпловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев.-Тўлд. қайта ишланган нашр. - Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 2001-Б.245-249.

Камолиддин Бехзод ва унинг тасвирий санъат мактаби //Норкулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар.-Урганч: Хоразм нашриёти, 1996.-Б.52-69.

Мадраимов А. Бехзод Камолиддин //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Ж. 2. Бешик.-Гидрофизика

/Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Х.Бобоев ва бошқ.-
Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий
нашриёти, 2002.-Б.9-11.

Чехракушолар сарвари //Ҳомидий Ҳамиджон. Кўҳна
Шарқ дарғалари: Бадиий-илмий лавҳалар.-Т.: Шарқ, 1999.-
Б.248-252. * * *

Бехзод таваллудининг 545 йиллиги //Санъат.-2000.-
№2.-Б.2.

Бехзод ва тарбия: Давра суҳбати: [Мусаввир
Камолиддин Бехзод ижодини таълим тизимида ўргатишни
тўғри йўлга қўйиш масалалари ҳақида олимларнинг таклиф,
фикр ва мулоҳазалари] //Маърифат.-2000.-20 май.

Камолиддин Бехзод Самарқандда туғилган: [Улуғ
ўзбек мусаввири] //Хуррият.-1998.-14 янв.

* * *

Мансуров Б. Шарқ санъатининг буюк намоёндаси:
Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод.-Т.: Фан, 1997.-110 б.,
расм.

Ойдинов Н. Бехзоднинг нурли мўъжизаси.-Т.: Шарқ,
1996.-48 б., расм.

Оқилова К. Мусаввир Камолиддин Бехзод нотюморт
яратганми?-Т.: Фан, 1993.-102 б.

Усмонов О., Мадрахимов А. Камолиддин Бехзод
/Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев.-Т.: А.Қодирий ном.
халқ мероси нашриёти, 2000.-48 б.

Қўзиёв Т. Жаҳонни забт этган мусаввир:
Камолиддин Бехзод 545 ёшда.-Т.: Чўлпон, 1997.-162 б.,
расм.

Қўзиёв Т. Бехзод ва тамаддун: Маъруза матни
/Масъул муҳаррир Султонмурод Олим.-Т.: Маънавият,
2000.-12 б.

Полякова Е. Раҳимов З. Шарқ миниатюраси ва
адабиёти.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.-288 б.

Шарқда миниатюра мактаблари: Мақолалар тўплами / Тўпловчилар: А.Мадраимов, Н.Норматов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.-184 б.

* * *

Асқаров Ж. XV – XX асрлар миниатюралари меъморий тузилиши //Санъат.-2000.-№2.-Б.18-23.

Аҳмедов М. Изланиш маҳсули //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2000.-19 май.

Аҳмедов М. Самарали ижод маҳсули //Тошкент оқшоми.-2000.-11 сент.

Аҳмедова Н. XX аср санъатида Бехзоднинг маънавий макони //Санъат.-2000.-№2.-Б.34-37.

Бек Озод. Мусаввирлар дарғаси: [Камолиддин Бехзод ҳақида] //Халқ сўзи.-2000.-24 нояб.

Буюк мусаввир номини улуғлаб //Ишонч.-2000.-24 нояб.

Буюк мусаввирга эҳтиром //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-24 нояб.

Бўриев О. Бехзод ва Ширин: [Достон] //Маърифат.-1999.-17 апр.; Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1999.-14 май; Гулистон.-1999.-№3.-Б.26; Мулоқот.-1999.-№4.-Б.54-55.

Бўриев О. Наққошнинг Бехзодга муҳаббати ва оталарча насихати: [Шеър] //Сирли олам.-2000.-№3.-Б.6.

Дунё халқларини ҳайратга солган мусаввир Камолиддин Бехзод //Халқ сўзи.-1995.-19 июль.

Дунёнинг 190 мамлакатида кенг нишонланди //Марказий Осиё маданияти.-2000.-1-7 дек.

Жўраев А. Олтин асрнинг олмос донаси //Халқ сўзи.-1999.-23 дек.

Жўраева Ҳ. Бетакрор мўйқалам соҳиби: Эҳтиром: [Камолиддин Бехзод ижоди ҳақида] //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-23 нояб.

Зоҳидов П. Монийи соний: Эътироф: [Камолиддин Бехзод ижоди ва ҳаёти ҳақида] //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-23 нояб.

Зоҳидов П. Мусаввирлар султони //Ўзбекистон овози.-1995.-7 нояб.

Зоҳидов П. «Рангасвирда беназир» //Санъат.-2000.-№2.-Б.16-17.

Иброҳимов О. Тасвир ва тимсоллар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2000.-13 окт.

Иброҳимов О. Тингла, най не ҳикоятлар қилур //Марказий Осиё маданияти.-2000.-1-7 дек.

Исмоилова Э. Бехзоднинг ижодий услуги //Санъат.-2000.-№2.-Б.5-9.

Исмоилова Э. Инсонни ўрганишда чарчамаган мусаввир //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2000.-25 авг.

Исмоилова Э. «Лайли ва Мажнун саҳрода»: [Буюк миниатюрочи рассом Камолиддин Бехзод Амир Хисрав Дехлавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонига ишлаган Санкт-Петербург Давлат Миллий кутубхонасида сақланаётган миниатюра ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2000.-8 сент.

Каримов М. Шарқнинг даҳо мусаввири //Тошкент окшоми.-2000.-22 нояб.

Мансуров Б. Бехзод асарлари – тарихий манба //Халқ сўзи.-2000.-26 окт.

Маҳмудов Т. «Бехзод мактаби» ҳақида мулоҳазалар: [Бехзод ва Шарқ нафис санъати ҳақида] //Гулистон.-1996.-№1.-Б.36-40.

Маҳмудов Т. Қуёшли қалам соҳиби: [Фалсафа фанлари доктори, профессор билан мусаввир, миниатюрист Камолиддин Бехзод ҳақида суҳбат] /Суҳбатдош Т.Убайдулло //Тошкент ҳақиқати.-2000.-18 окт.

Мирзаев А. Бехзод ва Матисс: [Шарқнинг даҳо мусаввири] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2000.-24 нояб.

Музейга тақдим этилди: [Ўз.БАнинг Тошкентдаги Шарқ кўргазмалар залида ўтказилган рассом Камолиддин Бехзоднинг чет эллардан олиб келинган миниатюра асарлари слайдлари, факсимил репродукцияларининг тақдимоти маросими ҳақида] //Ишонч.-2002.-9 авг.

Мунавваров З. Камолиддин Бехзодни ёдлаб: [Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқарув раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор билан суҳбат]: (Буюк санъаткор таваллудининг 550 йиллиги олдида) /Суҳбатдош Н.Қурбонова //Ўзбекистон овози.-2002.-26 сент.

Неъматов М. Буюк миниатюрачи рассом //Тошкент ҳафтанома.-2000.-23 нояб.

Нишонов Ҳ. Бехзод Шарқ Рафаэлими. Рафаэль «Ғарбнинг Бехзоди»: [Мусаввир Камолиддин Бехзод хусусида] //Маърифат.-2000.-15 апр.

Нормат Нодир. Бехзод: Эссе //Ўзбекистон овози.-1998.-25 июль.

Норкулов Н. Камолиддин Бехзод 18 дарс //Маърифат.-1996.-6 апр.

Норкулов Н. Ҳаётлигида тан олинган ижодкор //Халқ сўзи.-1996.-31 янв.

Нуриддинов Ҳ. Навоий назари тушган: [Мўъжизакор мўйқалам соҳиби бўлмиш ҳазрат Камолиддин Бехзод ҳақида] //Тошкент оқшоми.-1995.-19 апр.

Ойдинов Н. «Нигористон» - васл кўприги: [Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод асарлари хусусида] //Ёшлик.-1996.-№2.-Б.52-53.

Ойдинов Н. Рангларга кўчган тарих //Кўзгу.-1998.-9 апр.

Пугаченкова Г. Бехзод ва Ўрта Шарқ миниатюрасида портрет жанри //Санъат.-2000.-№2.-Б. 10-15.

Ражабов Н. Бир нодир сурат тафсири: [Биз буюк мерос ворисларимиз] //Қишлоқ ҳаёти.-1999.-26 февр.

Расултоев Ж. Бехзод ижодига чолғулар талқини //Санъат.-2000.-№2.-Б.28-29.

Раупов Х. Бехзод ва жаҳон тамаддуни //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2000.-24 нояб.

Рашидов Ш. Китоб миниатюраси султони //Халқ сўзи.-1996.-31 янв.

Ризаев С. Буюк ўзбек рассоми //Ўзбекистон овози.-1998.-12 май.

Саидов Д. Устозга садоқат: [Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1997.-9 авг.

Сафаров М. Моний ва Бехзод //Халқ сўзи.-2000.-22 нояб.

Сулаймонова Ф. Алишер Навоий ва Бехзод //Халқ сўзи.-1996.-31 янв.

Тарихий анжуман //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2000.-24 нояб.

Тешабоев Ф. «Чу суврати хатти дилкаш кўрсати юз»: [Таниқли дипломат, Халқаро Неру мукофоти лауреати билан суҳбат] /Суҳбатдош М.Абдуллаев //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-23 апр.

Убайдулло Темур. Мусаввирнома: [Шеърый қисса] //Тошкент ҳақиқати.-2000.-22 нояб.; 6 дек; 13 дек.

Улуғ мусаввир: Камолиддин Бехзод ҳаёти ва ижоди билан таништириш: [Катта гуруҳ учун] /Тузувчи муаллиф Г.Саъдуллаева //Мақтабгача тарбия.-1993.-№9-10.-Б.28-29.

Улуғларни улуғлар йўқлар: [Камолиддин Бехзод ҳақида] //Тафаккур.-1995.-№3-4.-Б.57.

Умаров А. Мусаввирлар пешвоси //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1995.-10 нояб.

Усмон Ориф. Бехзод ва шеърят //Фидокор.-2000.-23 нояб.

Усмон Ориф. Шарқнинг фусункор мусаввири
//Тошкент оқшоми.-1998.-26 янв.

Усмонов О. Камолиддин Беҳзод Шарқнинг буюк мутафаккири //Қишлоқ ҳақиқати.-1991.-19 дек.

Усмонов О. Сехрли қаламнинг ўлмас мевалари: [Шарқшунос олим филология фанлари доктори билан мусаввир ижодиёти ҳақида суҳбат] /Суҳбатдош Т.Убайдулло //Тошкент ҳақиқати.-2000.- 4 нояб.

Усмонова Ш. Дунё тан олган мусаввир //Ватанпарвар.-2000.-23 нояб.

Файзуллаева М. Устоз ва шогирдлар кўргазмаси: [Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида «Миниатюра ва ҳаттотлик» кафедраси, унинг негизида эса «Миниатюра ва декоратив рангтаъсир» ўқув-ижодий устахонасини ташкил этилгани хусусида] //Халқ сўзи.-2004.-25 февр.

Файзулло Бобо. Дўст Рембранд тан берган мусаввир //Халқ сўзи.-1995.-1 авг.

Холматов Н. Миниатюра – туғёнлар тасвири: [Таникли миниатюрачи рассом билан Камолиддин Беҳзод ижоди ҳақида суҳбат] /Суҳбатдош Н.Қурбонова //Ўзбекистон овози.-2002.-28 нояб.

Шарқ миниатюрасининг даҳоси: Моний ва Беҳзод //Халқ сўзи.-2000.-23 нояб.

Шарқнинг мумтоз мусаввири Беҳзод ҳақида //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1995.-25 март.

Эгамбердиев А. Бебаҳо истеъдод //Халқ сўзи.-2000.-23 нояб.

Эгамбердиев А. Миниатюра ва нақш //Миллий тикланиш.-2005.-21 янв.

Эгамбердиев А. Моний шивирлаган сувратлар //Миллий тикланиш.-2000.-8 авг.

Эгамбердиев А. Шарқнинг ёрқин юлдузи //Халқ сўзи.-2000.-5 авг.

Эрназаров Х. Дунё халқларини ҳайратга солган мусаввир //Халқ сўзи.-1995.-19 июль.

Эшонова Г. Руҳият рангини чизган мусаввир //Маърифат.-2000.-1 апр.

Эшонова Г., Суюнов Ҳ. Беҳзод ижодида тасаввуф ғоялари //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2000.-№2.-Б.140-141.

Юнусов З. Турфа ранглар жилоси //Ватанпарвар.-2000.-14 нояб.

Ўрмонова Ш. Беҳзод ва унинг мактаби: [Камолиддин Беҳзод ижоди ҳақида] //Гулистон.-1999.-№3.-Б.55.

Ўрмонова Ш. Исфaxonда кезар нафаси //Тошкент окшони.-1998.-22 май.

Ўрмонова Ш. Шарқ куёши //Тошкент окшони.-1998.-3 апр.

Қамбарова Ш. «Хамса»ни беаган [наққош] Ёри Музаҳҳиб ва мусаввир Беҳзод, хаттот Султон Али Машҳадийларнинг санъат мактаби ҳақида //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1999.-23 апр.

Қаюмов А. Туйғу ва тафаккур мўъжизаси: [Навоий-шунос олим, академик билан XV аср даври маданияти ва унда Камолиддин Беҳзоднинг тутган ўрни қандай бўлганлиги мавзусида суҳбат] /Суҳбатдош Н.Қурбонова //Ўзбекистон овози.-2002.-19 нояб.

Қозоқов О. Руҳият наққоши: [Мусаввир Камолиддин Беҳзод мероси ҳақида] //Халқ сўзи.-2003.-20 февр.

Қурбон Шукур. Шарқ Рафаэли: [Буюк ўзбек мусаввири Камолиддин Беҳзод ҳақида] //Шарқ юлдузи.-2000.-№1.-Б.5-6.

Қўзиёв Т. Оврупо тан берган санъат: Ғурур //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-23 нояб.

Ҳайитметов А. Тарих қатидаги жавохир: [Атоқли Навоийшунос олим профессор билан “Камолиддин Беҳзод –

руҳият наққоши” мавзусида суҳбат] /Суҳбатдош
Н.Қурбонова //Ўзбекистон овози.-2002.-5 нояб.

Ҳакимов А., Иброҳимов О. Жону дили тасвирий
санъат: [Камолиддин Беҳзод номли Давлат мукофотиға
номзодлар] //Тошкент оқшоми.-2000.-16 авг.

Ҳасаний Маҳмуд. Наққошларнинг султони: [Шеър]
//Тошкент оқшоми.-2000.-22 нояб.

Босишга рухсат этилди 2005 йил “ ___ ” _____
Бичими _____ нашр. т. _____ нусха. Буюртма № _____

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди